

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СЎРЪАТЛАРИНИНГ УСИШИ

ИЮНЬ
16
ЯҚШАНБА

САЙЛОВДАН

САЙЛОВГАЧА:



КЕИНИНГ йилларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиши янада яхшилаш борасида кўп ишлар қилинди. Шаҳарлар ва районларда ҳар томонлама қулай бўлган комбинатлар, цехлар, павильонлар қад кўтарди. Ҳаракатдаги кўча устаконалар сони кўпайтирилди. ҲАҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИ 40 ПРОЦЕНТГА, ШУ ЖУМЛАДАН, ҚИШЛОҚДА 47 ПРОЦЕНТГА ОШИДИ. БУ ЭСА ШАҲАР БИЛАН ҚИШЛОҚ УРТАСИДАГИ ТАҒОВУТНИНГ ТОБОРА КАМАЙИБ БОРАЁТ-ГАНЛИГИНИ КЎРСАТАДИ.

Маиший хизмат кўрсатиш системаси соҳасида 122 та янги корхона ишламоқда. Ҳозирги пайтда областда 2800 дан зиёд ателье ва устаконалар мавжуд. Бу эса қолхоз ва совхозлар, йирик аҳоли пунктларининг ҳар бирида маиший хизмат кўрсатиш уйи ёки комплекс қабул пункти қўрилган деган сўз. Сайловдан сўнг қурилган бўлган вақт ичида бошқармага қарашли «Техспожбиприбор», «Зангори экран», «Гўзал» бир-лашмаларининг кўпгина цехлари ва павильонлари реконструкция қилиниб, иш шартини яхшилади ва меҳнат унумдорлиги оширилди. Областа аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат турларининг 60 проценти қишлоқ аҳолисига тўғри кел-ляётганини қувонч билан қайд қилиш мумкин. Илгари қишлоқ меҳнаткаш-лари кийимини хиймавий тозалаш учун Чирчиқ, Олмалик ёки Ангрендаги комбинатлар хизматидан фойдаланар эдилар. Эндиликда ҳар бир районда ҳамма қулайлик яратилган. Урта Чирчиқ районига эса кийим тозалаш ва кир ювиш бўйича комплекс фабрика фойдаланишга топширилди.

Маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг моддий-техника ба-заси йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Эски ласткам устаконалар ўрнини янги тилдаги ёруғ, шинам цехлар эгал-лади. «Гўзал» бирлашмасининг қатор объектларида ишлаб-чиқариш еттиқасига алоҳида эътибор берилганлиги ди-ққатга сазовордир. Натжида меҳнат унумдорлиги ортиди. Бир-лашма коллективини 1970 йилда 527 минг муфто понафзал тай-ёрлаган бўлса 1973 йилда 722 минг муфто понафзал тайёр-ланди. Тринотка кийимлари тайёрлаш эса 3 ярим йил ичида, 2,6 баравар ўсди.

Барча совет меҳнаткашлари каби аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишчи ва ходимлари КПСС Мар-казий Комитетининг барча сайловчиларга, СССР гражданде-ларига Мурожаатдан руҳланиб, шу кунларда социалистик мусобақани янада авж олдиришди. Қатор комбинатлар беш-онлиқ планларини ортири билан бажардилар. Улар ўз иш-жойларида ҳар бир ҳаридорга намунавий хизмат кўрсатиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш шiori остида меҳнат қилмоқдалар. Хизматчиларнинг асосий эътибори қишлоқ аҳо-лисига қўпроқ қулайлик яратишдир. АГАР 1970 йИЛ ҚИШ-ЛОҚДА АҲОЛИ ЖОН БОШИГА 6 СЎМ 87 ТИЙИЛЛИК, 1973 йИЛДА ЭСА 9 СЎМ 42 ТИЙИЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИЛГАН БЎЛСА, БУ ЙИЛ АҲОЛИ ЖОН БОШИГА 12 СЎМЛИК ХИЗ-МАТ КЎРСАТИШ ҚЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг бутун эъти-бори СССР Олий Советига сайловлар ўтадиган кунни муносиб-ютуқлар билан ишонлаш, шунингдек Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини катта зафарлар билан қутиб оқишга қаратилган.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Сайловчилар А. Н. Косигин билан учрашдилар

МОСКВА, 12 июнь. (ТАСС). Бугун бу ерда ССР Иттифоқи Катта театрида Москва шаҳар сайлов олури меҳнаткашлари, ишчи вакиллари СССР Олий Со-вети Миллатлар Советининг де-путатлигига номзод КПСС Мар-казий Комитети Сийсий Бюроси-нинг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Алексей Нико-лаевич Косигин билан учрашди-лар.

Сайлов олди йиғилишининг президиумида КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар ко-митетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Со-вети раисининг биринчи ўринбо-сари К. Т. Мазауров, пойтахт партия ва жамоат ташкилотларининг ва-киллари, дошдор ишчилар, фан ва маданият арбоблари ўтирибди-лар.

Йиғилишнинг Москва шаҳар со-вети иккунчи комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди. У айтди-ки, КПСС Марказий Комитети-нинг барча сайловчиларга, СССР граждандарига мурожаатида ил-ҳомланган пойтахт меҳнаткаш-лари ҳамма куч-қувват, билим, ижодий ғайратларини 1974 йилги-планини, умуман беш йилликни муваффақиятли бажаришга сарф-лагатилар.

Москваликлар, шунингдек бар-ча совет кичилари эришилган ҳамма муваффақиятга зафарлар — умумхалқ меҳнатининг йиғи-наси, Коммунистик партиянинг тў-ғри, илмий асосланган сиёсати,

КПСС Марказий Комитети, Мар-казий Комитети Сийсий Бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шаҳсан ўртоқ Леонид Ильич Брежнев фаоли-ятининг ретикаси оқанлигини ях-ши биланлар. Пойтахт меҳнат-кашлари бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишларида партия ва совет ҳукуматининг раҳбарлари — Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқларини, КПСС Мар-казий Комитети Сийсий Бюроси-нинг бошда аъзоларини депутат-лика ўзларининг биринчи ном-зодлари қилиб атадилар, деди но-тиқ.

Бугун, деб давом қилди у, СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Мос-ква шаҳар сайлов округининг ва-киллари депутатлигига номзод ўр-тоқ А. Н. Косигин билан учра-шувига йиғилдилар. Москваликлар Алексей Николаевич Косигинни СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советига сайлаб, унга неча марта ишонч кўрсатдилар. У шу юксак ишонччи шараф билан оқ-лайпти.

Йиғилиш ахли партия Марка-зий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилиги-даги КПСС Марказий Комитети-нинг Сийсий Бюросини ақидилик билан Фахрий президиумга сай-ладди.

Депутатлигига номзоднинг ишончли вакили — Олжонидзе но-мили Москва станоксозлик заво-дининг слесари, коммунистик ме-ҳнат зарбдори С. П. Ефимовнинг А. Н. Косигиннинг ҳаёт йўли,

давлат, партия ва жамоат фао-лияти тўғрисида таърир берди. У барча сайловчиларга мурожаат қилиб, сайлов кунини, 16 июнда коммунистлар билан партизан-лар оунамас блокнинг номзод-лари учун яқдиллик билан овоз беришга қайирди.

Учрашувда техника фанлари доктори, СССР давлат мукофоти-нинг лауреати, давлат иттифоқ-транктор илмий тадқиқот институ-ти бўлимининг мудири И. И. Тре-пеневков, Москва давлат универ-ситетининг студенти Ольга Воро-нова, 1-йиозлик комбинати 5-монтаж бошқармасининг бошлиги Социалистик Меҳнат Қадрамони Г. И. Ламочкин, 28-касалхона врач Л. М. Макарова ҳам нутқ сўзладилар.

Нотиклар таъкидлардиларки, партия, Совет ҳукуматининг халқ фаровонлиги тўғрисида, ватани-нинг бундан бўёғи равиқли ҳақида ҳормай-томай қилаётган гамхўрликлар мамлакатнинг ҳамма меҳнаткашларида чуқур миннатдорчилик ва ташаккур ҳис-туйғуларини уйғотди. Сайлов кунини, деди сўзга чиққан нотиклар, совет халқи Коммунистик пар-тия, Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қизғин қўллаб-қувватлаётганлиги-нинг янги ёрқин далили бўлиб қолади.

Йиғилиш ахли самимий қутиб олган А. Н. Косигин нутқи сўзла-ди. У кўрсатган юксак ишончлар-ни учун сайловчиларга чуқур миннатдорчилик билдирди ва шу ишонччи оқаш учун ҳамма ишни қиламан, бундан бўён ҳам ҳамма

куч ва билимим, бутун ғайратим-ни коммунизм тантанаси йўлида Ленинчи Коммунистик партия сиё-сатини амалга ошириш учун ку-рашга сарфлаббераман, деб ишонтирди.

Партиянинг XXIV съезди иш-лаб чиққан йўлни ишчилар синфи, қолхозчи деҳқонлар, зиелчилар, мам-лакатимиздаги ҳамма миллат ва элатлар қизғин маъқулламоқдалар ва муваффақиятли амалга оши-рмоқдалар, деди нотик.

Депутатлигига номзод Комму-нистик партия, унинг Марказий Комитети ва Марказий Комитети-нинг ўртоқ Л. И. Брежнев бош-чилигидаги Сийсий Бюроси номи-га айтилган самимий ва дўстона сўзлар учун, совет халқини ко-мунистик қўрилганда янги-янги ғалабалар йўлидан дадил бошлаб бораётган КПССнинг ички ва таш-қи сиёсатини яқдиллик билан тў-лиқ маъқуллаганликлари учун йи-ғилиш ахлига қизғин миннат-дорчилик билдирди.

А. Н. Косигин бундай деди: партиямиз ўз фаолиятида халқи-мизга хос революцион ғайрат ва ишчанлигини ифодамоқда. Хал-қимиз партиямизнинг улуғвор идеаллари, коммунизм идеаллари билан руҳланган. Партия халқини янги-янги меҳнат зафарларида ил-ҳомлантирмоқда. Коммунистлар порлоқ коммунистик келажак бунёдкорларининг олдинги сафла-рида бормоқдалар. Улуғ ишмиз-нинг келажакдаги ғалабасининг мустаҳкам тарови партия билан халқнинг мана шу бирлигидадир.

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 116 (5209)

14

И Ю Н Ъ

Ж У М А

1974 йИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Н. В. Подгорнийнинг сайловчилар билан учрашуви

МОСКВА, 13 июнь. (ТАСС). Бугун ССР Иттифоқи Катта театрида Москва шаҳар Ленин-град сайлов округи меҳнаткаш-ларининг вакиллари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутат-лигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Николай Викторович Под-горний билан учрашдилар.

Сайлов олди йиғилиш президи-умида КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитети-нинг биринчи секретари Б. В. Гри-шин, пойтахт партия ва жамоат та-шкилотларининг вакиллари, ишлаб-чиқариш илгорилари, фан ва ма-даният арбоблари ўтирибдилар.

Йиғилиш Ленинград район партия комитетининг биринчи секретари Ю. И. Репников очди. У ўқитиб айтдики, пойтахт Ле-нинград районининг меҳнаткаш-лари барча мосназликлар билан бирга партия томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун актив курашмоқдалар. Йи-ғилишларда райондаги бир қанча коллективлар Ленинград сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига Н. В. Подгорний номзодини яқдиллик билан кўр-сатди. Н. В. Подгорний бир неча йиллардан бери бизнинг сайлов округимиздан СССР Олий Со-ветининг ва Россия Федерацияси Олий Советининг депутаты экан-лигини билан сайловчиларнинг юксак ишонччи шараф билан оқ-лаётганлигидан фойдаланамиз.

Йиғилиш ахли КПСС Марка-зий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилиги-даги КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросини ба-ланд руҳ билан Фахрий президи-умга сайладилар.

Петр Алексеев номли юксак мо-вот фабрикасининг тўқувчиси — депутатлигига номзоднинг ишчи-лар вакили В. Г. Лебедева Н. В. Подгорнийнинг ҳаёт ва меҳнат

йўли тўғрисида, унинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозонидagi фаолияти ҳақида батафсил гапирди. У сайлов ку-нида коммунистлар билан пар-тиячилар мустаҳкам блокнинг номзодлари учун яқдиллик билан овоз беришга қайирди.

Учрашувда Москва авиация институтини вертолётсозлик кафе-драсининг мудири профессор И. П. Брагунин, Москвадаги «Аван-гард» машинасозлик заводининг куйовчиси Ю. Ф. Сербин, 150-ма-таб ўқитувчиси А. Н. Агапова, СССР Госстрой иккунчи лоийха институтининг директори В. М. Косогов сўзга чиқдилар. Ҳозирги сайловнинг хусусияти шундаки, улар мамлакатнинг бутун иккунчи-сиёсий ҳаёти КПСС XXIV съезди қарорларининг қудратли таъсири остида ривожланиётган бир вази-ятда ўтказилмоқда, деб таъкид-ладди нотиклар. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи-нинг барча сайловчиларига, гра-ждандарига Мурожаатини совет кичилари қизғин маъқуллаб нут-қи оқдилар. Шу гоат — муҳим сиёсий ҳужжатга мамлакат дав-лат ҳокимиятининг олий органи-лари сайловдан кейин ўтган вақт ичида партия билан халқ-нинг қизғин меҳнати натижалари-га муносиб баҳо берилган, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда эришилган тарихий муваффақиятлар ишончли рави-шда айтилган, коммунистик қўри-лишнинг энг яқин орадаги вази-фалари кўрсатиб ўтилган.

Нотиклар мамлакатимиз меҳ-наткашлари КПСС Марказий Ко-митети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни давлат ҳокимия-ти олий органи депутатлигига яқ-диллик билан ўзларининг бирин-чи номзоди қилиб кўрсатганли-ларини қизғин равишда таъкид-ладилар. Партиянинг, унинг Ленинчи Марказий Комитети-нинг доно ички ва ташқи сиёса-тининг қизғин маъқуллаётганли-ларидан далолат бермоқда.

Задагилар Н. В. Подгорнийни са-мимий қутиб олдилар. У ўз нут-қида партия билан давлатнинг бошқа раҳбарлари қаторида уни ҳам СССР Олий Совети депутат-лигига номзод қилиб кўрсатган барча сайловчиларга самимий ми-натдорчилик изҳор қилди ва ўзи-нинг бутун фаолияти билан би-ригилган ишонччи оқлашга ишти-рашини, ўзининг бутун куч, би-лим ва тажрибасини халқ депу-тати юксак бўринчи бажаришга, Ленинчи партиямиз ишига хиз-мат қилишга, бундан кейин ҳам бағишлалганини айтди.

Ҳозирги сайлов лавозини, деди депутатлигига номзод, ҳар ик-ки сайлов ўртасидаги даврда давлат орталари, ишчи, пар-тия ва давлатнинг КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги фаолияти натижа-ларини ўзига хос тарзда яқун-лашдан иборатдир. Сайлов кам-паняси социализм муваффа-қиятларининг, совет демократия-си афзалликларининг қўриги, пар-тия Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчи-лигидаги Марказий Комитет Сий-сий Бюросининг самарали ама-лий фаолияти бутун халқ томонидан маъқуллаётганлигининг ёрқин далилидир.

Н. В. Подгорний қуйдагилар-ни таъкидлади: бизнинг мамла-катимиз партия XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, коммунистик қўри-лишда, Ленинчи Тизимчи програм-масини амалга оширишда кейинги йилларда айнисқа катта муваффа-қиятларга эришиди. Социализм тарихий ташаббусини ўз қўлида му-стаҳкам ушлаб тургани. Ҳозирги иккунчи тараққиётнинг бутун практикаси худди мана шу ко-мунистик ўғаринилар йўлида ин-социятнинг чинакам тарихи яра-тилаётганлигини исбот этмоқда.

МИРИШКОРЛАР

Эртабони шудринг ёш ил-ҳолларини ҳам лашнаб бораётган. Меҳнаткорлар ва сувишлар эрта тондан гўза парваринишга астойдил кириш-дилар. «Ленин йўли» қолхозининг Б. Ширинов бош-лиқ қомсомол-ёллар брига-даси гўза парваринишда ба-ланд руҳ билан меҳнат қил-моқдалар. Улар Оқшўрон мас-сивидан 74 гектар ерни ўзлаш-

тириб, чипат экидилар. А. Аб-дусаломов бошқаратган агре-гат гўза қатор ораларида жа-лон урмоқда.

Бригадада ҳаммаси бўлиб 20 киши меҳнат қиладди. Улар-нинг ҳаммаси йиғит-қизлардан иборат. Улар эрта қўламандан гўзанинги яхши ривожланиши учун самарали меҳнат қилад-лар. Шанда белгиланган 24 центнер ўринга 30 центнердан

хирмон кўтарамиз деб сўз бер-дилар.

Гўза парвариниш юксак агро-техника қондалари асосида олиб борилмақда. Сувишлардан Ю. Изудов ва М. Аноркуло-валар гўзаларини сифатли ту-ришда айнисқа самарали меҳ-нат қилмоқдалар.

Бригада миришкорлари июнь ойида гўзанинги тез ўсиши ва мул-ҳосил туғиши учун ҳамма тадбирлари амалга оширмоқ-далар.

М. КАРИМОВ
Ўрта Чирчиқ.

МЕХНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

САНОАТНИНГ БЕШ ОЙЛИК ИШ ЯКУНИ
ИВАНОВО ОБЛАСТИ

Область саноати беш ойлик маҳсулот ре-ализация қилиш планини 101,6 процент бажар-ди. Планадан ташқари 35,7 миллион сўм-лик маҳсулот реализация қилинди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йил-нинг беш ойидангига қараганда 4,3 процент ортиди.

Беш ой мобайнида пландангидан ташқари 1715 тонна тола, 6608 минг погон метр барча турдаги газламалар тайёрланди. Областа маҳ-сулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эри-шилди.

Меҳнат унумдорлиги бўйича план 101,3 процент қилиб адо этилди, ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот тайёрлаш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 4,7 процент ортиди.

Саноат ишида эришилган муваффақиятлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Барча саноат корхоналарининг 8,3 проценти реализация планини бажармади. Ай-рим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган даражага эришилмади.

Область саноати январь—май ойларида маҳсулот реализацияси планини 103 процент қилиб адо этди. Планадангига қўшимча 48,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилин-ди. Беш ой мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 8,9 процент ортиди.

Планадангидан ташқари 88,1 миллион кило-ватт-соат электр энергияси, 20,8 минг тонна минерал ўғитлари ишлаб чиқарилиди. 67,8 минг тонна қўғир қазиб чиқарилиди. 246 та трактор, 451 та трактор принциплари, 186 та трактор қўлтираторлари, 1 миллион 336 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, 162 минг сўмлик химия асбоб-ускуналари, 2054 тонна пахта толаси ва 631 тонна каноп толаси ишлаб чиқарилиди.

Меҳнат унумдорлиги бўйича план 102,4 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига унумдорлик ўтган йилнинг шу дав-ридагига қараганда 6,1 процент ортиди.

Ленин барча корхоналарининг 5,5 проценти реализация планини бажаришнинг урда-сини қилмади. Айрим корхоналарда маҳсулот иш-лаб чиқариш кўпайтириш ва меҳнат унум-дорлигини юксалтириш бўйича белгиланган даражага эришилмади.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi пахтакорларни Ўзбекистон ре-сп публиканин ишони билан йи-лашдан кўра кўпроқ «оқ ол меҳнат қилмоқдалар. Заршу-ришга, қатор ораларига ишлов асосида иш олиб бормоқдалар. Сурада: (ўғилдан) қолхоз пар-тия ташкилот секретари М. Пулатов ва бригада бошлиги А. Мирамедов гўза ривожини кўздан кечирилмоқда.

А. Тўраев фотоси.



Пилда тайёрлаш планини муддатидан илгари ошириб ба-жарганликлари учун қуйдаги хўжаликлар область «Хўрмат тахтасига» ёзилдилар.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎНИЧА:

Энгельс номили қолхоз (раиси Б. Қосимов, партия ташки-лотининг секретари Б. Умаров ўртоқлар).

«Северний маяк» қолхоз (раиси А. Ни, партия ташкило-тининг секретари А. Ҳасанов ўртоқлар).

К. Маркс номили қолхоз (раиси К. Мелнев, партия ташки-лотининг секретари А. Аббаров ўртоқлар).

Охунбобоев номили қолхоз (раиси М. Рўзатов, партия ташкилотининг секретари М. Пулатов ўртоқлар).

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎНИЧА:

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» қолхоз (раиси Н. Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари Э. Давлатов ўртоқлар).

«Октябрь 40 йиллиги» қолхоз (раиси П. Ф. Сауляев, партия ташкилотининг секретари Н. Аҳмедов ўртоқлар).

«Партия XXIV съезди» совхоз (директор Т. Эрназаров, партия ташкилотининг секретари А. Худойбердиев, ишлар комитетининг раиси Х. Довудов ўртоқлар).

Энгельс номили қолхоз (раиси Э. Шамсиев, партия ташки-лотининг секретари К. Ашурбоев ўртоқлар).

«Янгибод» совхоз (директор А. Абдумаликов, партия ташкилотининг секретари М. Хасанов, ишчилар комитетининг раиси И. Икоров ўртоқлар).

ПИСКЕНТ РАЙОНИ БЎНИЧА:

Ленин номили қолхоз (раиси М. Кўчиев, партия ташкило-тининг секретари Э. Мамаев ўртоқлар).

Охунбобоев номили қолхоз (раиси С. Турсуналиев, партия ташкилотининг секретари А. Эргашев ўртоқлар).

ҚўНИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎНИЧА:

Свердлов номили қолхоз (раиси Н. Юнусов, партия ташки-лотининг секретари К. Бойбатов ўртоқлар).

«Заря коммунизма» қолхоз (раиси В. Хан, партия ташки-лотининг секретари К. Ашурбоев ўртоқлар).

Димитров номили қолхоз (раиси А. Ким, партия ташкило-тининг секретари Л. Пак ўртоқлар).



Ҳаққиқати Тошкентдаги Ленин музейи Ленинграддан юборилган қадри қиммати — Владимир Ильичнинг ҳаёт пайтида чиқарилган олтинчи қисми китоблари атайин жойлашган махсус ёғоч молларнинг қабул қилиб олинди. Юборилган низоғида қамб ёғоч китоблар энди музей экспозициясининг янада бойитиш билан бирга, илмий ҳодимлар томонидан соғимли ҳодимнинг сермазун ҳаёти ва Ҷуңкинг революцион фаолиятининг кўпгина қирраларини мукаммалроқ ўрганиш ва аниқроқ тасаввур қилишга имкон берилди.

«Бу бебаҳо китобларни Ленинградлик кенга кўраш, музейи-миз фахрий ҳодими Александр Васильевич Баннов юборган, — ҳикоя қилади В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали фонднинг мудири А. В. Коршунов. — Бизнинг тарихий-революцион ҳужжатлари нисбат топиш ишларида Баннов кўрсатилган беминнат хизматини оғза билан ўлчаб бўлмайди. У бизга юзлаб ади тарихий материалларни юбормоқда, бу илмий тоғуфайли кўпгина дохил асарларининг биринчи нашрини тўлай олди».

Китобларни бирма-бир қўздан кечирамиз. Уларда давр руҳи абадий сақланиб қолган. Мана азамонанининг буюк асарларидан бири «Россияда капитализмнинг ривожланиши. Пиринг саноат учун ички бозорнинг вужудга келиши процесси» китобининг 1898 йили Санкт-Петербургда чиқарилган биринчи натижи. Китоб ади «Владимир Ильич» деб кўрсатилади. «Ильич» дохилининг 150 дан ортиқ таҳаллусларидан бири бўлган. Владимир Ильичнинг бошқа кўпгина асарлари, жумладан,

1906 йили Россия пойтахтида босилган «Ишчи партияси аграр программасининг қайта кўрилиши», 1906 йили Москвада чиққан «РСДРП бирлашган съезидан натижи» каби асарлари «Николай Ленин» таҳалли остида нашр қилинган. Бу китоблар маҳон пролетариатнинг буюк дохили подшоҳиянинг ашригиш маҳонда доимо конспиратив бўларди усталлик ва низоғида эҳтиёткорлик билан фойдаланишга мажбур бўлган оғир революцион кураш йилларини эслатади...

Ленинградлик А. В. Банновнинг узоқ қидиришлари натижасида топишган юзлаб китоблар энди Тошкентдаги дохил музейи

— Мен 1923—1926, сўнгра яна 1929—1930 йилларда Ўзбекистонда ишлаганман. Уш ерда аввал комсомол, сўнгра партия сафига кирдим. Журналистлик қалами «Правда Востока» газетаси саҳифаларида чархланган. Умуман журналист сифатида Ўзбекистонда шаклландим. У йиллар меннинг ҳаётимда ўчмас из қолдирган. Уш-уш сўзларга бормай, ким билан сўзлашмай, ким келиши билан Ўзбекистоннинг гўзал табияти, меҳнаткаш ва низоғида меҳмондуст одамлари, эришайтган ютуқлари ҳақида ҳар оғишга ҳаракат қиламан, — дейди сўхбатдошим.

— Муносиб ҳаёт мактаби бўл

юк революционерлар асарларини биринчи нашрларини излаш билан ўтказди. Ленинграднинг барча кенса китоб муҳлислари, архив ва кутубхона ҳодимлари уни ихти танишди. Кенса революционерлар, партия ва давлат раҳбарлари билан ушаруларда қўлга киритилган жула кўп тарихий материаллар алақачон В. И. Ленин Марказий музейининг пойтахтидаги филиали экспозициясидан доимий ўринини эгаллаган.

Музей ҳодимлари олдида турган мураккаб вазифалардан бири Ленин иш хонасига қўйилган барча китобларнинг асл нашрларини топиш эди. Чунки бу нарас

батда, Ленин кутубхонасидан ўрин олган Ўрта Осиё ҳақидаги китобларини тинмай излади. Мавлудини, Владимир Ильич шахсий кутубхонасида Ўрта Осиё ҳақидаги китоблар сонини ўттиздан ортиқ бўлган. Лениннинг оғирти 55 томдан иборат энг тўла асарлари тўпламини ўрганиш натижасида шу нарас аниқланди, Ильич ўз фаолиятида ҳар хил масалалар бўйича Туркистон ўлкаси ҳақидаги 60 дан ортиқ турли тиллардаги асарларга мурожаат қилган. Бу китоблар дохилининг Ўрта Осиё халқлари ҳаётига, бу ўлкада революцион ҳаракат ривожланишига доимо катта эътибор билан қараганилиги, Туркистон ўл

загга хос тўхфа тайёрлаётган экан. Сўхбатдошим менга бажарайтган ишнинг тайёр бўлган бир қисмини кўрсатди. Муҳимланган катта ишни «Ўзбекистон марказий газеталар саҳифасида» деб аташ мумкин.

Баннов Совет Ўзбекистонининг ярим асрлик тарихи бир умрга муҳрланган «Правда» газетасининг ўзлаб солларини олдинга қўйди. Мана, махсус папкада Ўзбекистонда социализм тўла галаба қозонган 1937—1940 йиллар ҳақида Ленин «Правда»си босган мақолалар. Улар орасида Катта Фаргона канални қурилишига бағишланган материаллар жула кўп. 45 кун давом этган бу муҳим қурилишнинг боришини газетта энчил ёритиб борган. Унинг 1939 йил 21 сентябрь сонида каналнинг очилишига бағишлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Усмон Юсупов мақоласи берилган. Унда Катта Фаргона каналининг қурилиш тарихи, қаҳрамон ишчилари, Ўзбекистон экономикасида кўрсатилган таъсири ҳақида ҳикоя қилинган. Бу папкадаги кўп мақолалар республикадаги пахтачиликнинг аҳоли, қойини таъини рақибига бағишланган.

Партиямиз марказий органи ўз саҳифаларида республикамиз билан ва маданиятининг ривожланиши, эришган муваффақиятларини ҳам кенг ёритиб борган. 1939 йил 16 июлда «Правда»да Ўзбек совет адабиётининг асосийларидан бири, оташин курашчи Хамза Ҳакимзода Ниязий вафотининг ўн йиллигига бағишланган катта мақола. 1941 йил 17 февралда Хамид Олимжоннинг, шу йили 17 июлда Семён Липкиннинг улуғ мутафаккири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига бағишланган катта мақола берилган. Ўзбекистонда кўрсатилган таъсирини бағишланган мақолалари босиб чиқарилган.

«Правда» 1939 йили Ўзбекистон ССР ва республикамиз Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишланган бош мақоласида Ўзбек халқи социализм қурилишида эришган ютуқларига юксак баҳо берган...

«Правда»даги Ўзбекистон ҳақида босилган ўзлаб мақолалар тегиз қурилиб, махсус жула оғ қозоғи ёпиштирилиб, муҳим тарихий экспонат ҳолатига келтирилган. А. В. Баннов озмуна вақт сарфлаганими?

Янгида Александр Васильевич Ленин музейи таъинири буюм Тошкентда меҳмон бўлди. У сезими ўзла билан ораниб кутилган учрашуга яна бир ажойиб тоғиша билан келди. Янги совет Ўзбек халқининг Владимир Ильич Ленинга бўлган ҳеҳис муҳаббатини ифодалади. У 1925 йили республикамизда турли рағбатини қилган таъиниридан бўйи 1 метр, энчи 80 сантиметрлик келадиган Ильичнинг портретидир.

1925 йили май ойида Ленинградда иш бошлаган Бутуруссия туқимачилари касаба союзи Марказий Комитетининг II Пленумига Ўзбекистон делегациясининг савгаси — чингидан таъиниридан Ильич портрети катта шов-шувга сабаб бўлди. Москвада нашр қилувчи марказий «Туқимачилар овози» газетаси унга «Ильичнинг қамб бадий портрети» деб баҳо берган эди. Мутахассислар ҳисобига кўра, портрети таъиниридан учун 20 минг дона чинг ишлатилган. Чинг махсус лак суртилган фанерга ёпиштирилиб чиқилган.

Нева бўйидаги шаҳар туқимачилари ва ишчиларининг катта революцион хизматлари эвабига савга қилинган. Ильич портрети Ленинградда қолдирилди. Оғир Улуғ Ватан уруши ва қамал йилларида бир оз зарарланган портрет, кейинчалик, тақрибан-реставратор томонидан янгида тикланди. Кўнчилиқ унутиб юборган бу нодир портрети энди Тошкентдаги Ленин музейи тоғиша билан қўйиб имкониятига эга бўлди.

Директорини чин қалбдан севувчи, фидойи инсон Александр Васильевич Банновга узоқ умр ва ҳайрли фаолиятига барака тилаймиз.

С. САЙДУСИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз муҳбири.
Ленинград — Тошкент.

ИШЧАН АГИТАТОРЛАР

Фрунзе районидидаги 73-мактаб биносида 63/13 савло участкасини қоғидаги агитпункт катта шов-шувга тахт қилиб қўйилди. Бу ердаги ранг-баранг шовдорлар, плакатлар, депутатликка кўрсатилган номзодларнинг портретлари, райондаги корхона ва ташиқлотларнинг ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи диаграммалар агитпунктга ўзига хос чирой бахш этган.

Агитпункт мудири мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Қумри опа Обидова СССР Олий Советига ўтказилган савлоларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қурилганини маълум қилди.

Агитаторлар «Абдулла Авлоний», «Обуна», «Шиликов» мақолаларида бўлиб, савло кутиси олиб борилиши керак бўлган беморлар, айрим кенса савлочиларни аниқлашди. Бу ишда Назира Ражабова, Аҳмад Сандарқимов, Абдураҳмон Маннонов, Рашида Мирсодиқова, Санталат Каримова сингари агитаторлар бошқаларга намуна бўлишди.

16 июнда агитпунктга янада фаёз қиради, — дейди К. Обидова. — Бу ерда овоз бериш учун келган савлочиларнинг концерт гуруҳлари, савдо ташиқлотларнинг ҳодимлари, ўқувчи ҳаваскорлар кериш олинди.

Мамакатимиз юқори органига ўтказилган савлолар учун агитпунктда барча қулайликлар яратилган.

Н. ХОЛИҚОВ.

МАҲАЛЛАДА СЎХБАТ

Савло арасида Калнини номли маҳалла клубида юйлашган агитпункт олдига ташиқоти рағбат бўлди. Маҳалла агитатори Шукратилдин Темиров савлочиларга кейинги турт йил давомида маҳаллада бўлган ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Савлодан-савлогача ўтган давр мобайнида маҳаллада қўлаб новатор ишчилар, зейиллар етилиб чиқди. Ҳозир СССР Медицина Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Жалолиддин Махсумовни ким таъинмайди, дейсиз. У мана шу маҳалланинг фарзанди. Носир ота Махсумовнинг яна уч фарзанди катта-катта илмий кашфиётлар қилиб қўнчилиққа тавилган.

Маҳалла фарзандлари 2 та урта, 2 та туқисиз урта мактабда тағлим олмақдалар. Уларнинг қўнчилиги бу йил биринчи марта савло кутилари ёнига келиб, Ватанимизнинг асл фарзандлари учун овоз берадилар. Агитатор мана шу ўзгаришларни тўқилганиб таъинди.

Маҳаллада ўтаётган сўхбатларнинг ҳаммаси мамзун бўлади. Сўхбатларнинг бирини СССР Олий Совети депутатлигига номзоди қўйилган 115-Урта мактаб ўқитувчиси Манжуза Саъдованинг меҳнат фаолияти устида гап борди. Савлочилар номзоднинг босиб ўтган йўли билан янгида танишдилар. Улар 16 июнь куни барақат туриб, депутатликка номзоди кўрсатилган ўғил-қизларимиз учун овоз беришга аҳд қилганлар.

А. НАВИХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.



ҲУСНИГА-ҲУСН ҚЎШИБ

В. И. Ленин номли майдонда реконструкция ишлари қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллиги нишонланадиган кун асафасида майдонда дохилининг янги, сабабдан ҳайкали кўкка бўй чўзди.

Майдон реконструкциясига ўтган йилнинг кузида киришилган эди. «Висотстрой» трестининг 1-қурилиш бошқармаси буюмларни ўтган оғилар мобайнида таъин ишларини бажаришди. Улар қўл билан бир томонда ҳайкал суғачаси, иккинчи томонда минбар барпо этилмоқда. Майдон ён-тарфларида кўркам йўзқалар, сарпхўзлар, фавворалар қурилмоқда. У. Ҳайдарова, А. Стрелков, М. Ткаченко каби буюмкорлар майдон реконструкциясини барақат тугаллаш ишларида бор куч ва гайратларини ништа солмақдалар.

Доҳияга 30 метрлик постантини гранит ва мрамардан қурилди. Унинг устига В. И. Ленин сиймоси «авдаланган 13 метрлик ҳайкал ўрнатилади. Ҳайкални ҳозир москвалик ҳайкалтарошлар брон.

задан тайёрлашаётти. Майдон реконструкциясини лойиҳасини эа «Таштентал» институтини инженерлари ишлаб чиқишган эди.

Доҳиянинг янги ҳайкали майдонга қираверинида анҳор ёқасидан олаид кенгликда бунёд этилмоқда. У Тошкентнинг олис бурчақларидан ҳам қўзга яққол ташланиб туради. Ҳайкалининг икки томонида ястанибатган минбарлар йанга тешиқ-бетон буюмларидан қурилади. Байрам қўнчаларида буюмбарлар тошқинликлар ва меҳмонларини ўз бағрига олади. 1-қурилиш бошқармаси буюмкорлари унинг ишотлар қурилишида катта таъриба ортиришган. Улар олдинроқ В. И. Ленин майдонига кўкка бўй чўзган йигирма қаватли маъмурий буюм, икки ишлар министрлигининг туқис қаватли маъмурий буюми қурилишида қатнашилган эди. Янги улар В. И. Ленин майдини реконструкциясини муваффақиятли ақуллашда маҳорат кўрсатиб ишламоқдалар. Айни пайтда «Зарафшон» ресторани, олтинчи кўнчаларда этти қаватли уй-жой буюмининг ҳам қўнчаларда. А. НОСИРОВА.

Янги ҲОСИЛ КОНСЕРВАСИ

Халқимиз дастурхонини мўл-кў ноз-неъматлар билан таъминлаш ишларида меҳнат қилаётган Ҳазратикон консерв заводи коллективни қўнчаларининг янги ҳосилидан 6 минг шарли банка мурabbo тайёрлаб, истеъмолчиларга жўнатилади. Қисқа фурсат ичида консервачилар қўнчалардан мурabbo, шарбат ва джем каби сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш планини ортинги билан ўрнатилаб қўйди. Бундай муваффақиятга эришилди М. Сафина, Ш. Муртазоева, М. Орипова сингари ишчилар намуна кўрсатдилар.

К. МАШРАПОВА.

А. Абалли фотоси.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ОЗУҚАНИ КЎПРОҚ ЖАМГАРАЙЛИК

Область ижроия комитети бу йил кўпгина ҳўжаликларида жамғарилган чорваларни яд оғида билан таъминлаш борасида кўп ишлар қилинганини қайд қилди.

Шу йил 5 июнда қадар областда 191,1 минг тонна дағал хашак тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 67,1 минг тонна кўп, демакдир. Шунингдек, 155,2 минг тонна сенаж босирилди. Бекнобод, Бўна, Оқдўрғон, Янгибўй районларида ем-хашак тайёрлаш мақола сурьватлар билан боришти.

Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Орқоникидзе районларида эса оу ишга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бўстонлиқ ва Юқори Чирчиқ районларида бедандини биринчи ўрнини ҳам тугамаган. Айниқса, ҳўжаликларида витамин ун тайёрлаш ёмон аҳволда. Шу кунгача 12 минг тонна витамин ун тайёрлашнинг керак бўлган ҳола бор-йўғи 759 тонна витамин ун тайёрланди.

Область ижроия комитети баъзи ҳўжаликларида мавжуд резервлардан унумли фойдаланишга, озуқа ақиллари парва, ишчи нормал бормайтганилиги, хашак ўрнчи техникаси қонирсиз ишлатилаётганилигини таъинириди.

Область қишлоқ ҳўжалик бошқармаси, совхозлар трестлари раҳбарлари ва район ижроия комитетлари расмилари зиммасига озуқа тайёрлаш плани бажариш юзасидан барча таъиниридан амалга ошириш зарурлиги алоҳида қайд қилинди. «Узсельхозтехника» област бирламиси раҳбарлари, районларида хашак ўрнчи ва йилги техникасининг қамшиш бўлиш учун зарур чоралар кўриш кераклиги топишди.

КУН ТАРТИБИДА-ТУРАР-ЖОЙ МАСАЛАСИ

Область ижроия комитети Охангарон районига Улуғ Ватан уруши инвалидлари ҳақида урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оғиларининг турмуш шартини билан танишиш чини ва ун янада яхшилаш юзасидан таъиниридан белгиланди.

Меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетини бу борда аниқгина ишлар амалга оширган. Икки яриш йил ичида ижроия комитет, қорхоналар, ташиқлотлар томонидан Улуғ Ватан урушини инвалидларидан 13 нафарига ва урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оғиларидан этти-тасига уй-беришган. Инвалидларга уй-жойини ремонт қилиш чини 9 мингта шифер ва бошқа қурилиш материаллари ажратилган. 37 инвалидга курутот ва санаторийлар учун путевалар, 19 киши эа енгил машина билан таъминланган.

Шунга қарамадан район ижроия комитетини инвалидлардан тушган аризаларга мувофиқ қурилиш материалларни реализация қилиш қалабати даржада таъиниридан этилган. Область ижроия комитетини Охангарон район ижроия комитетига бу камчиликларини бара-тароф этиш, инвалидларга ва урушда ҳалок бўлганлар оғил, синга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш юзасидан қатор вазифалар топишди.

Область соғлиқни сақлаш бўлими, савдо бошқармаси, алоқа ишлаб чиқариш — техник бошқармаси, коммунал ҳўжалик бошқармаси, матлубот союзи раҳбарларига уруш инвалидлари ва урушда ҳалок бўлганлар оғилларини ариза ҳақида ишқотларига эътибор билан қараш, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриш топишди.

ҚОНУН АМАЛДА

Янгибўй шаҳар ижроия комитетини, унинг бўлим ва бошқармалари депутатлар статусини тўғрисидаги қонунни бажариш юзасидан барча чораларни кўрмоқдалар. Бу қонунни ўрганиш ва амалга таъиниридан қилиш юзасидан Шўҳар ижроия комитетини таъиниридан ишлаб чиққан Маҳаллий Советларга савлолар вақтида бу ерда 162 депутат сайланган ва улар сайловчилардан 84 та ишқол олмишган. Шўҳар Совети ижроия комитетини нақзаларини бажарилиши юзасидан қонирет планлар ишлаб чиқиб, улардан савлочиларни ўз вақтида хабардор қилиб турган. Натижада 11 ой ичида 50 та нақаз бажарилиди.

Шаҳар Советининг қўнчили депутатлар шаҳарнинг яхтимой-сийсий ҳаётида актив иштирок этмоқдалар. И. П. Илохун, А. С. Исмомилова, А. П. Шубин, У. С. Бекирова, Д. М. Муротова ва бошқа депутатлар шулар жумласидандир. Шаҳар ижроия комитетини депутатлар ўрнини яхши танишли этилган. Бу машғулот икки ойда бир марта ўтатилади, унда ленинча ва дохиллар ўқинида ташқари депутатлар турли қорхоналарда бўлишди. Сайловдан буюн қўнчилиқ депутатлар ўз сайловчилари оғилда ҳисобот берди. Шу вақт мобайнида доимий комиссиялар томонидан Совет сессиясига 10 та, ижроия комитет кенгашига эса 68 та масала таъиниридан.

Аммо, ижроия комитет депутатларнинг Советда актив иштирок этишларини таъминламаган. Ижроия комитет Кенгашида депутат статусини тўғрисидаги Қонуннинг бажарилишига оид масалалар қўйилмаган. Баъзи депутатлар ўз сайловчиларини оғилда нақзалар бўйича ҳисобот бермаганлар.

Область ижроия комитетини ана шу камчиликларини бартараф қилишнинг топишди.

Шаҳар ижроия комитетининг депутатлар билан тематик машғулотлар олиб бориш борасидаги практикасини маълумлади.



Х. СОДИКОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи партия сийсий ўқувчи раҳбари.

М. НУРИДДИНОВ,
Тошкент шаҳри.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ПОСБОНЛАРИ

Докторнинг бир томчи дори-си унинг бир дукма ширин сўзига омухта қилинган бўлса, бемор касалдан тез фориҳ бўлади. Илҳи сўз — қалб-қурб деб беиз айтилган.

Мен бир доктор опанинг юрак касали билан оғриб қолган бемор ёнида ўтириб айтган гапини айнан бўлмаса ҳам асосий мазмунини баён қилмоқчиман.

Тиниб ухлаганча ухлайсиз, рангингиз кечадан анча яхши бўлиб қолади. Айтувдим-ку, дард сиздан қочапти, деб. Киши аъзоларидан касал оғриқларини қўзғатиш қийин, қўзғалдири, уни қувиб чиқариш биз билан сизга боғлиқ. Сиз ҳаракат қиласиз, биз қўмаклашамиз. Қарасангиз, бир ҳафта-ун кундан кейин қушдек енгил тортиб, шердек кучга кираверасиз... Ҳа, дароқе, қори ва уқолини биттадан қаммайтираман. Улар ўз вазифини бажариб бўлди. Қўроқ жисмоний ҳаракат қилверингиз.

Бирча она яхши истаклар билан қўриб чиқиб келди. Мен беморнинг шундан кейинги ҳолатини кузатдим. Унинг дард тортиб синашдан юзлари йўқичилди қайнаб чиққан кучини туйғайди табасумдан янада кетган эди. У ўридан туриб ҳонада ўқидан бу ёққа юрди.

— Аломат докторимиз борда, — деди у — айтганича бор, мен қўриб ётаверибман-да, анча қувватга кириб қолган эканман-у...

Бир оғиз ширин сўзнинг қудрати нималарга қодир эканлигини мана шундан ҳам билса бўлади. У ахир кун кеча «яна мазам бўлмай турибди-я» деганди. Докторнинг бугунги далласи унга дармон бўлди, томирларидаги қон ҳаракатини активлаштирди, दिलни гулгун очиб юборди, саломатлик сари интилишини кўчатибди, қувватга қувват қўшди. Шунинг учун у ҳозир «Анча қувватга кириб қолганимиз-ку» деб ўзини бардам ҳис қилмоқда.

Ўз касбига муҳаббат қўйган, беморларини ҳам доридармон билан, ҳам ширин сўз билан, ардоқлаб даволаётган, юқориди айтилганидек аjoyиб табиатли врачлар ишлаётган шифохоналардан бири Тошкентдаги саломатлик сақлаш бўлимига қарашли касалхонадир. У Тошкентнинг Чилонзор райони территориясига жойлашган.

Катта даракхлар қуёқ соя ташлаб турган жойларга сўрилар, ўриндиқлар қўйилган. Арчалар таги, йўлқалар бўйида пурак сув отаётган фонтанчалар атроф ҳавосини муздек қи-

либ юборган. Атлас, бекасам кўрпачалар тўшалган, оппоқ парклар қўйилган сўриларда одамлар ширин сўхбат қўриб, дам оладилар, чақчақлашадилар.

Касалхона замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда физиотерапия, функционал диагностика, клиника-биохимия лабораториялари, даволаш банчалари бор. Юрак қон томирлари, ошқозон-ичак, асаб касалликларидан шикоят қилиб келган кишилар гамаҳур ва меҳрибон врачлар, ҳамширалардан даво топиб, саломатликларини мустақамлаб чиқиб кетадилар.


Терапевт врач Н. А. Ёқубова, невропатолог Л. Н. Чиркова, терапевт врачлардан Н. Ш. Қодирова, М. У. Розикова, медицина ҳамширалари С. Тошпўла, Т. Акимова, Н. Мамажонова, Л. Н. Юсупова, Н. А. Ёкимова, К. А. Ёкимина ва бош ҳамшира Н. Т. Бурешлар беморлар ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонганлар. Улар бу ерда даволаниб натавон кишиларнинг дил ташаккурларига сазовор бўлганлар.

Иқинда биз шу ерда даволаниб, бардам бўлиб чиқиб кетган бир гуруҳа ўртоқлардан хат олдим. Янгилулик шахсий пен-

сионер Карим Усмонов, Юқори Чирчиқ районидан Г. А. Қим, Қилин районидан А. Фаттохов, Т. Норматов, Олмалиқ шаҳридан Т. П. Салометов, Янгилу районидан Х. Турсунқулов номли қолхоз раиси Ўсар Жўраев ва бошқа ўртоқлар инсон саломатлигининг ҳақиқий посбонлари бўлган касалхона коллективидан гўят мингтадор аълолиларини баён қилиб, чин қўнгилдан раҳматлар айтганлар.

Шифохонамиз коллективини, — дейди бош врач, медицина фанлари кандидати Қозимбек Ҳақдорбеков, — ўз ишларини бундан ҳам яхшилаш, «коммунистик меҳнат коллектив» деган номларига ҳамшира муносиб бўлиш учун астойдил курашадилар. Медицина хизмати қўрсатилиши янада яхшилайдилар. Медицина ходимлари селгайиб, бардам ҳолда чиқиб кетаётган кишининг «Раҳмат» деган сўзини олий муқофот деб биладилар. Шу муқофотга сазовор бўлиш учун билимимизни, куч ва ғайратимизни, ширин сўзимизни аямал кеча-кундуз, астойдил меҳнат қиламиз.

С. МАҲКАМОВ.



Чўқчилари кўк ўвар Тянь-Шань тоғлари.

В. Таран фототўюди.

Спортив

БАЙРОКДОРЛАРИНИ
ШАРАФЛАЙМИЗ

Ўтган йили бўлиб ўтган СССР чемпионати ва халқаро мусобақаларда республикамиз спортчилари муваффақиятлик қатнашдилар. Жаҳон универсиадада қилибчос Собир Рузиев, волейболчи Вера Дулонова, гимнастикачи Эльмира Саъди барча рақибларини орта қолдириб биринчи ўринни эгалладилар. Классик кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Рузиев Қазақстан кумуш медал соҳиб бўлди. Умуман мамлакат ва жаҳон биринчилигида қатнашган спортчиларимиз 26 та олтин, 30 та кумуш ва 20 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Юбилей йилида спортчиларимиз яна ҳам юксак марраларини кўзлаб машқ қилмоқдалар. Ўтган ойларида беш киши халқаро классик спорт мастери нормативини муваффақиятлик бажарди. Боксчи Руфат Рискенев мамлакат чемпионатида дастлабки олтин медалга сазовор бўлди. Штангачи Э. Каримов, самбочи М. Ал, мотал М. Савиниқ ва боксчи спортчиларимиз ҳиссаси билан юбилей йилининг ўтган ойларида мамлакат чемпионати ва халқаро турнирларда 9 та олтин, 26 та кумуш ва 10 та бронза медал қўлга киритилди.

Спортимиз байрогини баланд кўтарётган йигит-қизлар ва тренерлардан бир гуруҳимиз яқинда республика спорт комитетини фахрий ёрликларини ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар орасида баскетболчилар сардори Раниял Салимова — Прокленко, республикада хизмат кўрсатган тренер Алексей Дин, велосипедчи Николай Шилов, боксчи Ренат Хайруллин ва бошқалар бор.

АКРОБАТЛАР
ЧЕМПИОНАТИ

В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт саройида спорт акробатикаси бўйича биринчи жаҳон чемпионати старт олди. Чемпионатда таъналли очилиш маросимида Болгария, Польша, ГФР, СССР, Буюк Британия, Венгрия, АҚШ ва Швейцария акробатлари трибуналар олдидан ўтдилар.

Турнирнинг биринчи кунда программага киритилган турлар бўйича саралаш мусобақаларида совет акробатлари айниқса, муваффақиятлик қатнашди. Владимир Назаров, Владимир Алиматов, Тамара Дубровина, эр-хотин Галина ва Юрий Савельевларнинг чиқишларини иштибоқлар қарсаклар билан кўтиб олдилар.

БАХТСИЗ ОДАМ

ҲАЖВИЯ

Мен жудаям бахтсиз одамман. Нимани уйлаб турган бўлсам ҳаминча шунинг гапирман. Ҳар қандай савоалга унинг моҳиятига қараб жавоб бераман. Икки юзламалик, нозик фарқ, киноя, юз хотира — менга беғона. Шундан бўлса керак, доммо орузларим пучга чиқиб, ичим ўнгидан келмайди.

Мана ҳозиргина бир танишимини учратдим. У йўл-йўлақай менга гап қотди:

— Салом, соғлигинг қалай? — деди-ю, йўлгина равона бўлди. Мен унинг енгидан тутдим.

— Хўш, сенга нима десам экан? Узим соғга ўхшайман. Рост, биқимини санчади, баъзан қал қовоғини учиди. Ҳа, яна томоғимни ураб юрсам...

Танишим сўзини бўлди: — Нега менга ёпишиб олдинг? Соғлигингнинг қандайлиги ҳақиндаги эҳборотини тингловша тоқим борми! — деб шартта қўлимдан чиқди-ю, кўздан бир зумда тоқиб бўлди.

Тенгил! Соғлигининг қандайлигини ўзи сўради. Мен жавоб бердим. Товба!

Мен бир қизни севардим. Тўй қилиш тарадудиде юрардим. Кўнлардан бирда у мендан сўраб қолди:

— Айт, оламда мендан кўра гўзалроқ қиз йўлиги ростми?

— Нималар дедиман! — дедим мен. — Бор, албатта. Сенинг бурнинг бесунақай, қулоғинг диққатли, бўйинг узун. Лекин мен сени шундоқ ҳам севаман, бошқаси керакмас!

Шу чоқ у юзини мендан тегсиз қўйиб, хайрлашмаёқ жўнаб қолди. Нега шунча қилди!

Тушунмадим. У сўради, мен жавоб бердим.

Цехимизда яқинда касба союзи аъзоларининг йиғилиши бўлди. Иш вақтида ичигилиги учун энг яқин дўстим муҳомама қилинди.

— Менга қаттиқ жўзо бермагилар, ўртоқлар, — деб илтижо қилди у. — Ҳаётимда ҳеч қачон бунчака расво бўлиб йиғаманман. Биринчи марта шундай бўлди, буни мана бу дўстим ҳам тасдиқлайди. — У шундай деб менга юзланди: — Шундайми, айт?

— Ҳозир мен ҳисоблаб кўраман, — дедим мен ўрнимдан туриб. — Демак ҳис, ўтган йили меннинг йиминида... сўнгра пардада — ёшлар сақинида... клубда, танчада... умуман, еттинчи марта шунчака расво бўлиб ичин бўлса керак.

Ушандан бери ўша дўстимнинг кўрғани кўзи йўқ мени. Нега шунчака қилди?

Тушунмадим. У сўради, мен жавоб бердим.

Бир кун хибондан ўтиб кетган эдим. Рўпарамдан чинқириб йиғилган боласини кўтариб олган бир хотин чинқиб қолди. У мени кўриб, бундай деди:

— Агар сен сўзимга қулоқ солмасанг, мана бу амакнинг қопига солиб, олабўкига бериб юборди. Мана олинг, амакисин!

— Йўқ, мен олмаيمان. Менда қоп ҳам, бунинг устига олабўкини ишлаб юришга вақтим ҳам йўқ: кинога шошиб турибман, — дедим.

— Уят эмасми! Ахир сиз бола тарбиясига пўтур етказдингиз-ку!

Шундай деб хафа бўлди у мендан. Нега шунчака қилди?

Тушунмадим.

— Шу воқеалар ҳақида ҳикоя ёзиб, газетга олиб келдим. Уни редакторга топшириб, бундай дедим:

— Менимча, бу — жаҳон адабиётда энг ноб ҳикоя. Бундан яхшисини сиз ҳеч қачон ўқимагансиз. Шундайми?

— Уқиганман, — деб жавоб берди редактор, ҳикоям саҳифаларидан кўз узмаган ҳолда.

— Бундан минг марта афзалроғини ўқиганман. Сизнинг ҳикоянгизда сюжет кўй, тили ғализ, тема юзакли ҳал этилган.

Мен қучоқлаб ва ўпиб олдим унинг. Нимани уйлаб турган бўлса, шунинг тўпла-турғисини гапирди.

Гапини лўндасини! Икки юзламалик, нозик фарқ, киноя ва юз-хотир — унга беғона. Менга ўхшаб у ҳам бахтсиз одам экан, шўрлик!

Русчадан Т. МАҲМУДОВ таржимаси.

(«Крокодилдан»).

ДАМ ОЛИНГ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИНГ

Ёзинг жазирама кунлари бошланди. Ҳар ким ҳам дам олиш кунлари соя-салқини жойларда ҳордиқ чиқаришни истайди. «Ташселмаш», Тошкент авиация заводи, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ва «Газташкентстрой»да бу борада кўп ишлар қилинган. Бу корхоналарнинг соя-салқини жойларда дам олиш базалари ташкил этилган. Ишчи-хизматчилар шу кунларни Арнасов, Исениқўла, Чорноқ ГЭС атрофидан ўз дам олиш базаларида ўтказишапти.

Бундан ташқари, область касба союзилари Совети ва область туризм совети пойтахт-миздаги корхоналар ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларини кунлик дам олишларини кўнгилли ўтказишлари борасида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. «Чимей», «Сўқон», «Кунушон» дам олиш уйларида пойтахт меҳнаткашлари учун алоҳида палаткалар қурилди. Ҳозир бу жойларда шаҳарликлар кўнгилли дам олаётирлар.

М. ЗИКИРОВ.

ҲАР ТУҒРИДА

ОДАМ ДЕНГИЗДАН
КУЧЛИ

ҚУЛА-ЛУМПУР. Сузичи тренери 28 яшар япон Сенти Накадзими Малака бўғозини сузиб ўтган биринчи киши бўлди. У Индонезиянинг Рупат оролидан сувга тушиб, 30 мингга яқин суви сузиб ўтди ва Малайзиянинг Порт-Динсон шаҳарчаси яқинида қирғоққа чиқди. Буниси сузувнинг бўғоздан ўтишга иккинчи марта уриниши эди. Накадзими бундан бир неча кун аввал биринчи марта уринганида муваффақиятсиз чиқди. Макнор сув оқимларига қарши курашиб

қолдан тўйган Накадзими қирғоққа атиги 3 миля қолганда катер бортига кўтариб олиниди.

Бу сафар жасур сузувчи малайзиялик Таи Чик ўғит берди. У мана шу жойларда балиқчилик қилиб келатганига 40 йилдан ошди ва ўзининг айтишича, бўғознинг ҳамма инжикликларини ёдан билди.

Ҳозирга қадар Накадзими-нинг жанговар ҳисобида сузиб ўтилган 8 та бўғоз, шу жумладан Ла-Манш бор.

ТАҚАЛАНГАН ТУХУМ

ЮГОСЛАВИЯЛИК Ботомин Милкович тайёрлаётган соғга буюмлари одада бир зумда тарқалиб кетади. Гап шунданки, у товук туҳумларига... тақалар қонқини билади. У мужазина тақачани олтига михча билан хом туҳумга қориб, сўнгра туҳумнинг оқи билан саринини эҳтиётлик билан сийриб олади. Қарабизки, суекир тайёр!

АТИР ШАЛОЛА

ЯПОНИЯНИНГ Осака шаҳрида бундан 70 йил бурун ташкил этилган кўргазманинг аjoyиб бир «экспонат» ҳақида ҳали-ҳали гапиршади.

Гап шунданки, кўргазманинг хотин-қизлар учун мўлжалланган бўлимида сунъий бассейни қурилиб, ён атрофларига «қоя»лар ишланган. Аммо, бу «қоя»лардан сув эмас, балки атир шалола бўлиб оқиб турган. Атир иш ва кўргазманинг ҳамма залларига таралган.

Ана шу атир шалолага ҳар кун ўттиз чела атир сарфланган. Албатта, бу жуда қимматга тушган. Аммо, Осака шаҳридаги атир-ула фабрикалари бундан зарар кўришмаган. Атир шалола улар ишлаб чиқараётган хушбўй маҳсулотини реклама қилувчи шундай бир восита бўлганки, унинг ўрнини бошқа бирор реклама босолмаган.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

А. ИСМОИЛОВ.

А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 12.00 — МОСКВА, 18.00 — ТОШКЕНТ, 18.05

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШДА
ХАВФСИЗЛИК ҚОНДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!



ЎЗИЛГАН ЁКИ ОСИЛИВ ҚОЛГАН ЭЛЕКТР СИМЛАРИГА ФАҚАТ ТЕҒИШ ЭМАС, ХАТТО ЯҚИНЛАШИШ ҲАМ МУМКИН ЭМАС. Осиллиб қолган ёки ўзилиб ерга тушган электр симларини қўриб қолсангиз дарҳол бу ҳақда электр монтажига ёки корхона, уй боқармаса раҳбарига хабар қилинг.

Ўзилиб тушган электр симларининг олдида 6 метр масофада қўриқчи қўйиб электр монтажига қадар ҳеч нимани йўлатманг. УНУТМАНГ! ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛМАСЛИК БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРГА ОЛИВ КЕЛАДИ.

«УЗЭНЕРГОСВТ»

— Мультифилм, 18.20 — «Ахборот», 18.35 — Галла — риси-рузини, 19.00 — Концерт, 19.35 — «Ахборот», 19.55 — МОСКВА. Москва шаҳар Бауман сийлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига ном.

Эд Урток Л. И. Брежнев билан учрашуви, 24.00 — «Виде», ИК-НИНЧИ ПРОГРАММА, 11.00 — ТОШКЕНТ, 11.25 — «СВЕТЛОФОР», 18.50 — МОСКВА, 18.55 — Хўж-якати филм, 19.25 — Ёшлар июди, 19.55 — Москва шаҳар Бауман сийлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номдод Урток Л. И. Брежнев билан учрашуви, УЧИН-ЧИ ПРОГРАММА, 18.00 — Тош-кент яқинликлари, 19.15 — Хўж-якати филм, 19.35 — «Ёшлар», студияси кўрсатилади, 21.15 — Тош-кент ва тошкентликлар, 22.35 — Хўжиятлик филмларини бирини

НАВОИИ НОМЛИ ДАВЛАТ АКА-ДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

15, 16, 17 да Анна Каренина (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЁЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14, 15 да Комиссия, 15, 16 да Пар-воз, 16, 17 да Ҳаёт шони.

МУҲИМНИ НОМЛИ ЁЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗКАЛИ ТЕАТРИДА — 14, 15 да Хонума хони, 15, 16 да Моним фидо, 16, 17 да Ҳиндон, 17, 18 да Умарлар.

ҚИШКИ БИНОДА

Кумуш кўл хазинаси — «ЧАЛ-КА», «ВОСТОК», САНАТ САР-НИ (кундуз ва кечурун).

Сен билан ва сенга — «ЭЗБЕ-НИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун), «СПУТНИК» (тоғ соатлари).

Гирт ёлгончи — «ЭЗБЕКИ-ТОН», «КЭЧКА», «МИР», «ДРУЖ-БА» (кундуз ва кечурун).

ЭЗГИ БИНОДА

Кумуш кўл хазинаси — «ФЕ-СТИВАЛЬ».

Сен билан ва сенга — ТЕЛ-МАН номли.

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача